

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АХАД ТОХИРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНЛАРИНИНГ ЖАРРОҲЛИК
КОРРЕКЦИЯСИ ОҚИБАТИНИНГ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК
ПРЕДИКТОРЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Ахад Тохирович

Болаларда туғма юрак нуқсонларининг жарроҳлик коррекцияси
оқибатининг клиник иммунологик предикторлари

..... 3

Ахмедов Ахад Тохирович

Клинико-иммунологические предикторы исхода хирургической
коррекции врожденных пороков сердца у детей

..... 23

Akhmedov Ahad Tokhirovich

Clinical and immunological predictors of the outcome of surgical correction
of congenital heart defects in children

..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published papers

..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АХАД ТОХИРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТУГМА ЮРАК НУҚСОНЛАРИНИНГ ЖАРРОҲЛИК
КОРРЕКЦИЯСИ ОҚИБАТИНИНГ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК
ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib1015 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Файзуллаева Нигора Яхъяевна
тиббиёт фанлари доктори

Жиан Баттиста Париги
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Италия)

Етакчи ташкилот

Доғистон давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» сентябр соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№042 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» август кунлари тарқатилган.
(2021 йил «30» август даги 032 рақамли реестр баённомаси)



(Handwritten signature)

А.Ш. Ипоятов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Америка педиатрлари академияси берган маълумотларга асосан «...болаларда туғма юрак нуқсонлари тарқалиш хусусиятига қўра бошқа туғма норасоликларга нисбатан етакчи ўринларни эгаллаган...»¹. Юрак нуқсонлари - туғма норасоликлар ичида энг кўп учрайдиган нуқсонлар сирасига кириб, ривожланиш аномалиялари сабабли келиб чиқадиган болалар ўлимининг асосий сабабчисидир. Бутун дунёда туғма юрак нуқсонлари билан касалланиш ҳар 1000 туғилган боладан 8 дан 10 оралиғида бўлиб, охириги ўн йилликларда ўсиш тенденциясига эга. Сўнги йилларда, туғма юрак нуқсонларининг тузилишида ўзгаришлар, хусусан, комбинациаланган оғир кечувчи турларининг салмоғи ошиши ҳисобига бемор ҳаётининг дастлабки ойларидаёқ қон айланишининг чуқур бузилишлари юзага келиши билан бирга нохуш ҳолатлар кузатиляпти. Болалар кардиохирургиясида жарроҳлик амалиётларининг устувор ривожланиши билан болалар аҳолисига кардиологик хизматни такомиллаштириш зарурияти бирламчи аҳамиятга эгадир.

Дунё миқёсида, ҳозирги вақтда кардиохирургия соҳасидаги ютуқлар энг мураккаб туғма юрак нуқсонларини операция қилиш имкониятини яратмоқда. Туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекциялаш, сунъий қон айланиши, гипотермия ва кардиоплегия шароитида амалга ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориляпти. Кўпгина ҳолларда болаларда операция ўрта стернотомия усулини қўллаш билан амалга оширилади. Узоқ муддатли фойдаланиш тарихига қарамай, ўрта стернотомия бир қатор камчиликларга эга, уларнинг асосийларидан бири эрта болалик даврида тимэктомиядир. Тўлиқ ёки қисман тимэктомия *T*-хужайралар дифференциацияси манбасини олиб ташлашни ўз ичига олади ва иммун тизимида турли бузилишларни келтириб чиқаради, ўрта стернотомия ва тўлиқ тимэктомия ўртасида иммунологик ўзгаришларга эга боғлиқликни аниқлашга йўналтирилган. Шунинг учун туғма юрак нуқсонларини иммун йўналтирилган хирургик коррекциялаш ҳозирги болалар юрак қон томир жарроҳлигининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, жахон андозаларига мос даволаш усулларини қўллаш бўйича маълум ишлар амалга оширилган. Бу борада болалар турли касалликларини даволаш ва асоратларини камайтириш, шу жумладан туғма юрак нуқсонларини ўз вақтида хирургик коррекциялашда ижобий натижалар қўлга киритилган. Ўзбекистон Республикаси ривожланиш стратегияси асосида аҳолига, шу жумладан болаларга «...тиббий ёрдам сифатини ошириш ва яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, 3 ёшгача бўлган болаларда туғма юрак

¹ World Health Organization. Fact sheet: Congenital anomalies <https://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/congenital-anomalies> (01.12.2020)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

нуқсонлари жарроҳлик коррекцияси истикболини аниқлаш, болаларга сифатли кардиологик хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, улар ҳаёти сифатини ошириш ва узоқ йиллар иммун тизими фаолиятини кафолатлайдиган, жарроҳлик усулида даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда туғма юрак нуқсонлари (ТЮН) болалар орасида ногиронлик ва ўлим сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Болалар орасида қоринчалараро тўсиқ нуқсони 28,3% бўлмачалараро тўсиқ нуқсони 10,3%, ўпка артерияси стенози 9,8%, Фалло тетрадаси 9,7%, аорта стенози 7,1%, аорта коарктацияси 5,1% ва 4,9% ҳолларда магистрал томирлар транспозицияси учрайди. Шунингдек, уч тавақали клапаннинг гипоплазия синдроми, очик артериал йўлак, тўлик аномал веноз қайтиш ҳам кўп учраб турибти (Скворцов В.В. ва ҳаммуал., 2017).

Юрак аномалиялари билан туғилган болаларнинг 14% и ҳаётининг биринчи ҳафтасида, 25% и биринчи ойида вафот этади, 40% и 1 ёшга етмайди (Зарипов Д.Е. ва ҳаммуал., 2020). Маълумки, ТЮНларининг 90 дан ортиқ варианты ва уларнинг кўплаб комбинациялари мавжуд. Радикал коррекциясиз болаларнинг 50-60% и ҳаётининг биринчи йилидаёқ вафот этади.

ТЮН бўлган болаларнинг адаптация имкониятлари, узоқ муддатли кузатув тактикаси ва реабилитация қилиш масалалари ҳалигача мунозарали бўлиб қолмоқда (Юшченко А.Ю. ва ҳаммуал., 2019). Болалардаги ТЮН жисмоний ривожланиш суръатларининг пасайиши билан мураккаблашади ва бу доимий назоратни талаб қилади (Мискинова Ф.Х. ва ҳаммуал., 2019). Ҳозирги вақтда болаларда энг кўп учрайдиган ТЮНни коррекциялаш икки асосий усул билан амалга оширилиши мумкин: очик хирургик операция ва эндоваскуляр муолажалар (Белова Ю.К. ва ҳаммуал., 2017).

«Очик ва қуруқ» юракдаги операцияларнинг ижобий натижаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий масалалардан бири бу операция усулини тўғри танлашдир. Ҳозирги вақтда бўйламасига ўрта стернотомия ТЮН

хирургиясида кенг ва самарали қўлланилмоқда (Абралов Х.К. ва ҳаммуал., 2014).

Ўрта стернотомия юрак операциялари, магистрал томирлар, магистрал хаво йўллари, ўпкани икки томонлама операция қилиш учун асосий кириш усули бўлиб хизмат қилади (Назиров Ф.Г. ва ҳаммуал., 2014; Lafci G et al., 2013). Стернотомиянинг камчиликларига операциядан кейинги стерномедиастинит хавфини киритса бўлади, аммо тўлиқ ўрта стернотомия вақтидаги тимэктомия муҳим аҳамиятга эга. Тимэктомия визуализация ҳамда юрак ва магистрал қон томирларга хирургик киришни яхшилаш учун амалга оширилади (Nafakhi N. et al., 2015; Mozaffarian D. et al., 2016).

Шу билан бирга тимэктомия операциядан кейинги даврда интракапсулар инфилтрация натижасида шишган без томонидан юрак ва катта томирларнинг сиқилиш хавфини бартараф қилади (Назиров Ф.Г. ва ҳаммуал., 2014). Эрта ёшда тўлиқ ёки қисман тимэктомияни ўтказиш *T*-хужайраларнинг сони ва функционал фаоллигининг пасайишини ҳамда дифференциациянинг бузилишини англантиб, болалик даврида иммун тизими турли функцияларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин (Shichkin V.P. et al., 2020).

Тимэктомиядан сўнг беморларда иммунитет бузилишлари пайдо бўлишининг аниқ далиллари йўқлиги сабабли ҳозирги кунда тимусни олиб ташлаш билан боғлиқ хавф кардиохирурглар учун муҳим бўлган ва рад этиб бўлмайдиган техник афзалликларга нисбатан минимал деган фикр кенг тарқалган. Бироқ кўплаб тадқиқотларга қарамай, тимэктомиянинг узок муддатли натижалари ҳали ҳам тўлиқ маълум эмас (Roosen J., 2015; Thapa P. et al., 2019). Шунингдек тимэктомия катталарда *T*-хужайраларининг дифференциация ва етилишининг асосий марказини йўқ қилиши ва шу билан иммун тизимининг шаклланишига таъсир қилишини ҳам инкор қилиб бўлмайти (Van den Broek T. et al., 2016).

Шуни таъкидлаш керакки, шу пайтгача ТЮНни жарроҳлик йўли билан даволашда қўлланиладиган стернотомия пайтида тимусни сақлаб қолиш методикаси йўқ, тимэктомиянинг бола организмнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири тўғрисида ягона маълумотлар мавжуд эмас. Шу муносабат билан тимэктомия ва тимус аутоимплантациялашнинг ТЮНнинг хирургик коррекцияси натижаларига таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси (№054) «Бухоро минтақаси иссиқ иқлимли шароитда организмнинг патология олди ва патологик ҳолатлари эрта ташхиси, давоси ва профилактикасига янгича ёндошишини ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекциялаш натижаларининг клиник-иммунологик предикторларини

аниқлаш ва баҳолаш ҳамда тажрибада тимусни аутоимплантация қилиш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда иммун статусининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш ва баҳолаш;

лаборатория ҳайвонларида (қуёнларда) ўтказилган тажриба асосида тимэктомия ва тимус аутоимплантациясининг операция натижаларининг клиник-иммунологик предикторларига таъсирини аниқлаш;

лаборатория ҳайвонларида (қуёнларда) ўтказилган тажриба асосида тимусни аутоимплантация қилиш усулини ишлаб чиқиш, унинг клиник ва иммунологик самарадорлигини исботлаш;

иммунокомпетент хужайраларнинг миқдорий ҳолатини, шунингдек операциядан кейинги давр динамикасида лаборатория ҳайвонларида (қуёнларда) аутоимплантация билан иммунитет ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқликни баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига ётқизилган туғма юрак нуқсонлари билан касалланган 142 нафар бемор, Artemis hospitals касалхонаси (Ҳиндистон) болалар кардиохирургияси бўлимига ётқизилган 259 нафар бемор бола, экспериментал тадқиқотлар учун 45 та қуён хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида касал болаларнинг қони, қон зардоби, қуёнларнинг қони ва тимуси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, клиник-инструментал, иммунологик, биокимёвий, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Кўк» туғма юрак нуқсонлари (Фалло тетрдаси ва магистрал томирлар транспозицияси)га CD4+-лимфоцитларнинг юқори даражадаги етишмаслиги ва CD8+-лимфоцитларнинг кўпайиши хослиги аниқланган. CD8+-лимфоцитларининг концентрацияси болалардаги туғма юрак нуқсонлари тури ва типига боғлиқлиги аниқланган;

тажрибада бажарилган тимэктомия экспериментал ҳайвонлар (қуёнлар) организмнинг иммунологик предикторлари ўзгариши экспериментдаги операция натижаларининг салбий натижага олиб келиши исботланган;

лаборатория ҳайвонлари (қуёнлар) устида ўтказилган тажрибада биринчи марта тимус аутоимплантацияси усули ишлаб чиқилган ва унинг клиник-иммунологик самарадорлиги исботланган;

лаборатория ҳайвонлари (қуёнлар) тимусининг аутоимплантациясидан кейинги дастлабки 9 ҳафтаси давомида CD3+ -, CD4+ -, ва CD8+-лимфоцитларининг ишончли даражада тикланиши аниқланган;

хужайравий иммунитет параметрлари билан қуёнларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

тимэктомия операциясидан кейинги даврда CD3+ -, CD4+ -, CD8+-хужайралар миқдори ва ҳафталик вазн ортиши кўрсаткичлари, ҳайвон жун

копламасининг қалинлиги орасида кучли, бевосита ижобий боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лаборатория ҳайвонларида ўтказилган тажрибада тимусни аутоимплантация қилиш усули ишлаб чиқилган ва унинг клиник-иммунологик самарадорлиги исботланган бўлиб, у туғма юрак нуқсонларини коррекциялашни такомиллаштириш учун тавсия қилинган;

тимэктомиядан сўнг қуёнлар тана вазнининг 2,03 марта яққол камайиши, анемия, лейкопения, барқарор гипопропротеинемия, гипогликемия, уремия, озуқа истеъмолининг 1,79 марта пасайиши, жун қалинлигининг 1,56 марта камайиши исботланган.

тимус аутоимплантациясида CD16+-лимфоцитлар миқдори ва ҳафталик вазн ортиши, жун қалинлиги орасида кучли, тўғридан-тўғри ижобий боғлиқлик, шунингдек, вазн, жисмоний фаоллик ва озуқа истеъмол қилиш ўртасидаги кучли, тескари салбий боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар, беморлар сони, экспериментал материалнинг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий асосларга мослиги, олинган натижаларнинг хорижий ва юртимиздаги тадқиқотлар билан қиёсланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Фалло тетрадаси ва магистрал томирлар транспозициясига CD4+-лимфоцитларнинг юқори даражадаги етишмаслиги ва CD8+-ҳужайраларнинг кўпайиши хослиги, тимэктомия экспериментал ҳайвонларнинг иммунологик предикаторларидаги ўзгаришлар мувозанатининг бузилишини келтириб чиқариши, бу эса экспериментда операция натижаларининг салбий прогнозига олиб келиши; тажрибада тимусни аутоимплантация қилишнинг ишлаб чиқилган усулининг клиник-иммунологик самарадорлиги исботланганлиги; тимус аутоимплантациядан кейинги дастлабки 9 ҳафта давомида CD3+ -, CD4+ -, CD8+-лимфоцитлар миқдорларининг сезиларли даражада тикланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амалий соғлиқни сақлашга туғма юрак нуқсонларини коррекциялашда оператив кириш йўлини яхшилаш мақсадида лаборатория ҳайвонларидаги экспериментда ўтказилган тимусни аутоимплантация қилиш усули тавсия қилинганлиги, унинг клиник-иммунологик самарадорлиги исботланганлиги, тимэктомиядан сўнг қуёнларнинг тана вазнида яққол 2,03 мартага орқада қолиш, анемия, лейкопения, барқарор гипопропротеинемия, гипогликемия, уремия, озуқа истеъмолининг 1,79 марта пасайиши, жун қалинлигининг 1,56 марта камайиши кузатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекциялаш натижаларининг клиник-иммунологик предикторларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекциялашда тимусни аутоимплантацияси бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекциялашда тимусни аутоимплантация қилиш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 мартдаги 8 н-р/182-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома экспериментда аутоимплантация усулининг иммунологик самарадорлигини баҳолашга имкон берган;

туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекциялашда тимусни унинг жисмоний ривожланиш билан боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекциялашда тимусни унинг жисмоний ривожланиш билан боғлиқлигини ҳисобга олиш билан аутоимплантация қилиш усулларини жорий этиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/205-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома мазкур усулни самарали жорий этишга, шунингдек унинг экспериментал ҳайвонларнинг жисмоний ривожланиши билан боғлиқлигини баҳолашга имкон берган.

Олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан РШТЁИМнинг Бухоро филиали, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Самарқанд вилоят болалар жарроҳлик маркази (СамДавТИ 2-клиникаси) амалий фаолиятига жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 8н-д/119-сонли хулосаси). Натижада, лаборатория ҳайвонларида ўтказилган тажрибада тимусни аутоимплантация қилиш усули ишлаб чиқилган ва унинг клиник-иммунологик самарадорлиги исботланган бўлиб, у туғма юрак нуқсонларини коррекциялашни такомиллаштириш учун олинган илмий натижалар қўлланилган, бу эса ўз навбатида болалар иммунитетини тикланишига эришишни таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ҳамда 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети баён этилган, тадқиқотнинг мамлакатимиз фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Болаларда туғма юрак нуқсонларидаги иммунитетни ўрганишнинг замонавий жиҳатлари»** замонавий адабиёт, жумладан болаларда ТЮН тарқалиш частотаси, тузилиш хусусиятлари ва жарроҳлик коррекцияси муаммоларини ўрганишга доир материаллар таҳлили келтирилган. ТЮНда иммун тизимининг хусусиятлари тўғрисида материаллар келтирилган. Жарроҳлик коррекциясининг ҳозирги муаммолари, хусусан, юракка кириш усуллари, афзалликлари ва камчиликлари, тавсия этилган профилактика усуллари ва уларнинг натижалари баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Болалардаги туғма юрак нуқсонларини хирургик коррекцияси натижаларининг клиник ва иммунологик предикторларини ўрганиш, тадқиқот ҳажми, материаллар ва усуллари»** деб номланган қўйилган муаммонинг ечимини таъминлайдиган методологик ёндашувлар ва усуллар батафсил баён этилган.

Белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун 2018 йилдан 2021 йилгача Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар кардиологияси бўлимида ётқизилган 1 ойдан 18 ёшгача бўлган 142 нафар ТЮН билан касалланган болалар тадқиқотга жалб қилинган. Назорат гуруҳи 30 нафар соғлом тенгдошлардан иборат (16 ўғил ва 14 қиз бола) бўлган.

Стационарга ётқизилганларнинг кўпи ўғил болалар – 73 нафар (51,4%), қизлар 69 нафарни (48,6%) ташкил этган. Бемор болалар орасида қоринчалараро тўсиқ нуқсони (ҚАТН) билан касалланган болалар 45 нафар (31,7%), бўлмачалараро тўсиқ нуқсони (БАТН) билан касалланганлар 32 нафар (22,5%), Фалло тетрадаси (ФТ) 33 нафар (23,2%) ва магистрал томирлар транспозицияси (МТТ) 32 нафарни (22,5%) ташкил этган.

Юракни оператив йўл билан даволаш усуллариининг тарқалиш хусусиятларини ўрганиш учун 2018 йилда Artemis hospitals касалхонасининг болалар кардиохирургияси бўлимида (Нью-Дели, Ҳиндистон) тадқиқотлар ўтказилган. 2018 йил мобайнида болалар кардиохирургияси бўлимида 259 нафар касал болада ТЮНни хирургик коррекциялаш ўтказилган, шулардан ўғил болалар 150 (57,9%), қиз болалар 109 (42,1%) нафарни ташкил этган, шундан 3 ёшгача бўлган болалар 128 (49,4%), 3 ёшдан катталар 131 (50,6%) киши. 233 нафар (89,9%) касал болада туғма юрак нуқсонини оператив йўл билан даволаш стернотомия усули орқали, 8 (3,0%) беморда – торакотомия, 18 (6,9%) беморда эндоваскуляр усул билан амалга оширилган.

Экспериментал тадқиқотлар учун стандарт виварий шароитида (ҳарорат 15-20 °С, нисбий намлик 65-70%, 12-14 соат ёруғлик) сақланадиган, оғирлиги 1790 – 2495 г бўлган 3 ойлик, ҳар иккала жинсдаги 45 та шиншилла зотли қуёндан фойдаланилган. Барча ҳайвонлар айти бир парваришхонадан олинган. Лаборатория ҳайвонларини парваришлаш ва боқиш, селекциялаш, виварий биноларини тозалаш ва дезинфекция қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган методик қўлланма (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2016)га мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқот учун лаборатория ҳайвонларининг 3 гуруҳи шакллантирилган: 1-гуруҳ - тотал тимэктомия қилинган, сўнгра тимуснинг аутоимплантацияси ўтказилган қуёнлар (n=15); 2- гуруҳ - тотал тимэктомия қилинган қуёнлар (n=15); 3-гуруҳ - стандарт виварий шароитида сақланган интакт қуёнлар (n=15).

Жисмоний фаоллик ва овқатланиш миқдорини тўғри баҳолаш учун барча тажриба ҳайвонлари (n=45) алоҳида-алоҳида катакли тизимга жойлаштирилган. Қуёнларни катакларига жойлаштиришда катаклар майдонига қўйиладиган оптимал талаблар ҳисобга олинган – ҳар бир қуёнга 0,6 – 0,7 м² жой ажратилган.

Тадқиқот материаллари сифатида экспериментдан олдин ва экспериментдан кейин 1-, 7- ва 9-ҳафталарда олинган қуёнларнинг қон намуналари бўлиб хизмат қилган. Қоннинг морфологияси ўрганилган, веноз қоннинг иммунологик ва биокимёвий таҳлиллари ўтказилган. Тимусни морфологик ўрганиш БухДТИ экспериментал лабораториясида аъзо аутоимплантациясидан олдинги ва кейинги даврларда ўтказилган. Қуёнларнинг клиник-физиологик ҳолати уларни кундалик кўриқдан ўтказиш йўли билан аниқланган. Уларнинг хулқ-атвори, ем-хашак истеъмол қилишдаги иштаҳаси ва жун қопламаси ҳолатига эътибор қаратилган. Уларнинг оғирлиги ҳар ҳафта 0,1 г аниқлик билан билан ўлчайдиган CAS СВХ-12КН (Жанубий Корея) тарозиси ёрдамида индивидуал ўлчаш йўли билан аниқлаб борилган. Ем-хашак истеъмол қилишдаги иштаҳа журналга кунлик озуқа истеъмолини грамм билан қайд этиш орқали аниқланган. Жун қопламасининг қалинлиги умуртқасининг ўртасида жун ўсиши йўналишига тесқари пуфланганда ҳосил бўлган «розетка» майдонининг катталиги билан ўлчанган. Ҳаракат фаоллигини баҳолаш М.П. Рисакова усули (2010) бўйича амалга оширилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда ўтказилган:

1-босқич – 1- ва 2-гуруҳда асептика ва антисептиканинг барча қоидаларига риоя қилган ҳолда умумий оғриқсизлантириш остида тимэктомияни моделлаштириш - Калипсол эритмаси мушак ичига 6-8 мг/кг миқдорда юборилган. 1-гуруҳнинг экспериментал қуёнларида тимуснинг аутоимплантацияси ўтказилган - тимус олиб ташлангандан сўнг перикардга юрак ўнг бўлмачаси проекциясида органнинг $\frac{1}{3}$ қисми аутоимплантация қилинган;

2-босқич–декапитациядан кейин экспериментал ҳайвонлар аутоимплантантининг (тимус) ўзгаришини иммуноморфологик баҳолаш ўтказилган.

Трансплантациядан олдин ва кейин тимуснинг морфологик хусусиятларини ўрганиш учун анъанавий бўлган гематоксилин-эозин ва Ван Гизон усуллари билан бўйаш қўланилган. Гистологик препаратлар Leica DM4000 М оптик микроскопида (Германия) 40 марта катталаштиришда текширилган.

Бемор болалар қонини иммунологик текширишлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти иммуноморфология лабораториясида ўтказилган. Хужайра иммунитет кўрсаткичлари (CD3⁺, CD4⁺, CD8⁺, CD16⁺, CD25⁺, CD95⁺-лимфоцитлар) ўрганилган. Қон таҳлили операциядан олдин, туғма юрак нуқсонини хирургик коррекциялашдан кейинги дастлабки 3 ойда ўтказилган.

Қуёнлар қонини иммунологик текширишлар динамикада тимэктомия ва тимус атоимплантациясидан олдин ва ундан кейин 1-, 7- ва 9-хафтalarda Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти иммуноморфология лабораториясида амалга оширилган. Лимфоцитларининг асосий популяцияларини аниқлаш учун «Сорбент» илмий-ишлаб чиқариш марказида (Москва) ишлаб чиқилган LT серияли моноклонал антителолардан билвосита розетка ҳосил қилиш усулидан фойдаланилган.

Қоннинг морфологик ва биокимёвий таҳлили «Standart Diagnostika» МЧЖ лабораториясида (Бухоро) автоматик гематологик анализатор ҳамда иммунохемиллюминесцент (ИХЛА) таҳлил усуллари орқали ўтказилган.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш StatSoft томонидан ишлаб чиқилган Microsoft Windows 10 платформасидаги STATISTICA амалий дастурининг 12.5 версияси 192.7 пакети ёрдамида вариация статистикаси усуллари ёрдамида амалга оширилган. Рақамли маълумотларга IBM шахсий компьютерга мос келадиган Microsoft Windows 10 платформасидаги Microsoft Excel-2019 амалий дастурлари хотирасидан фойдаланиб ишлов берилган. Корреляцион таҳлил Пирсон усули бўйича ўтказилган. Боғлиқлик мезонларини Чеддок шкаласи (2015) ёрдамида баҳоланган. Тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига риоя қилинган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Туғма юрак нуқсони бўлган болаларнинг клиник характеристикаси**» болаларда ТЮНни хирургик коррекциялашнинг асосий методларининг оператив йўллари ўрганилган. Бундан ташқари, бу бобда ТЮН билан касалланган болалардаги иммун статуснинг хирургик коррекциялашдан олдинги ва кейинги ҳолати динамикаси келтирилган.

2018 йилда Artemis hospital клиникасининг (Ҳиндистон) болалар кардиохирургияси бўлимига ётқизилган ТЮН билан касалланган 259 бола текширилган. Клиникага ётқизилган касал болалардан (n = 259) ҚАТН билан 78 (30,1%), ТФ билан 58 (22,4%), очик артериал йўлак (ОАЙ) билан 10 (3,9%), БАТН билан 24 (9,3%), унивентукуляр ТЮНлари билан - 55 (21,2%), МТТ билан - 11 (4,3%), ўпка артерияси изоляцияланган стенози ЎАИС-3 билан (1,15%), очик атриовентукуляр канал (ОАВК) билан - 7 (2,7%), аорта коарктацияси (КоА) билан -7 (2,7%), ўпка вена томирларининг аномал

дренажи билан (ЎВТАД)- 4 (1,5%), туғма аорта стенози (ТАС) билан -1 (0,4%) ва синус тугуни заифлиги синдроми (СТЗС) билан - 1 (0,4%) нафар бемор текширилган.

ТЮН туфайли жарроҳлик амалиёти ўтказилган касал болаларнинг 233 нафари (89,9%) стернотомия, 8 нафари (3,0%) - торакотомия, 18 нафари (6,9%) эса эндоваскуляр усул билан операция қилинган. ТЮНни 233 беморда стернотомик жарроҳлик йўли билан коррекциялашда қуйидаги амалиётлар бажарилган: аортанинг коарктациясини тўғрилаш - 4 (1,7%); БАТНни ёпиш - 20 (8,6%); АВ каналидаги дефектни коррекциялаш - 7 (3,0%); Фонтан операцияси - 19 та (8,2%); ўпка веналарининг тўлиқ аномал дренажини коррекциялаш - 4 (1,7%); МТТни коррекциялаш - 11 (4,7%); ТФни коррекциялаш - 58 (25,0%); ҚАТНни ёпиш - 74 (32,0%); Глен шунталари - 36 (15,0%) ҳолатда бажарилган.

Эндоваскуляр усул билан коррекциялаш 18 беморда (6,9%): аорта коарктациясини баллонли кенгайтириш - 3 (16,7%), аорта клапанининг баллонли комисуртомияси - 1 (5,56%), БАТНни окклюдер билан ёпиш - 4 (22,2%), ўпка артерияси клапанининг баллонли комисуртомияси - 3 (16,7%), кардиостимулятор имплантацияси - 1 (5,56%), ОАЙни окклюдер билан ёпиш - 6 (33,3%) беморда амалга оширилган. ТЮНни торакотомия орқали хирургик коррекциялаш 8 беморда (3,0%) амалга оширилган: - ЎАнинг торайтириш - 4 (50,0%), ОАЙ ёпиш - 4 (50,0%). ТЮНни жарроҳлик йўли билан коррекциялашда юракни очиш нуқсон турига ва беморнинг ёшига боғлиқ. Стернотомия ёрдамида коррекциялаш 3 ёшгача касал болалар орасида 114 та (48,9%), 3 ёшдан катта болаларда 119 нафар (51,1%) ни ташкил қилган.

ТЮН билан касалланган болаларда хужайра иммунитетини ҳолатини ўрганиш учун «оқ» (ҚАТН, БАТН) ва «кўк» (ТФ, МТТ) турдаги ТЮН билан касалланган болалар танланган. Ҳаммаси бўлиб 0-18 ёшдаги 142 бемор болалар танланган. Улардан ҚАТН билан касалланганлар - 45 (31,7%); БАТН билан - 32 (22,5%); ТФ билан - 33 (23,3%) ва МТТ билан - 32 (22,5%). Беморлар хирургик коррекциядан олдин ва кейин Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиология бўлимида стационар шароитида даволанган. Хирургик коррекциялар Тошкент ва Ҳиндистонда амалга оширилган.

Олинган маълумотларга кўра, ТЮН бор болаларда ўзига хос иммун номуносивлик аниқланган ($p < 0.001$). ТЮНнинг кечиш ва турига қараб хужайравий иммунитетининг кўрсаткичлари ўзига хос хусусиятларни акс эттирган. ТЮНнинг тури ва типидан қатъий назар, умумий лимфоцитлар миқдорининг тақчиллиги аниқланган. «Кўк» ТЮНларга (ТФ ва МТТ) CD4+-лимфоцитларнинг юқори даражадаги етишмаслиги ва CD8+-лимфоцитларнинг кўпайиши хос ($p < 0,01$). ТФ ва МТТда супрессор фаолликнинг кучайиши фонида Т-лимфоцитлар ва Т-хелперлар етишмовчилиги кузатилган.

Биобарин, олинган тадқиқот натижалари асосида тимусни қисман ёки тўлиқ олиб ташлаш билан ТЮНни хирургик коррекциялаш иммун тизимидаги дефицитнинг ривожланишига олиб келади. Аниқланганларнинг барчаси нафақат операциядан кейинги даврда иммунокоррекция қилиш, балки



болаларда ТЮНни хирургик коррекциялаш усулларини такомиллаштириш зарурлигини исботлаган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Тимусни аутооимплантация қилиш усулини ишлаб чиқиш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари» тимусни қуёнларда аутооимплантация қилиш усулини ишлаб чиқишни тавсифлашга бағишланган.


Тадқиқот икки босқичда амалга оширилган. 1-босқич – 1- ва 2- гуруҳларда тимэктомияни моделлаштириш. Умумий оғриқсизлантириш остида мушак ичига 6-8 мг/кг миқдорда Калипсол эритмаси юборилган. Анестезия бошлангандан сўнг қуёнлар операция столига чўзмасдан фиксацияланган. Олдиндан депиляция қилиниб, операция майдони антисептик (Йоднинг 1% ли спиртли эритмаси) билан 3 марта ишлов берилган. Сўнгра олдинги ўрта чизик бўйлаб бўйин чуқурчасининг юқорисидан бошлаб ханжарсимон ўсимтагача тери кесилиб, тери ости фасцияси ва тўш суяги периости кесиб ажратилган. Диафрагманинг стернал қисми ва тўшнинг орқа юзаси тўмтоқ йўл билан ажратилиб, бу билан тўш орти ёғ клетчаси оралиғига кириш имконияти яратилган. Тўш бутун узунлиги бўйлаб босқичма-босқич тўмтоқ йўл билан ажратилган. Тўш чеккаларининг гемостази жарроҳлик (стерил) мумини суртиш орқали амалга оширилган. Стернотомиядан сўнг тимус кўринган. Тимэктомиядан кейин, тимус тўмтоқ йўл билан чиқариб олинган. Сўнг, юрак ўнг бўлмачаси проекциясида перикардга яъзoning $\frac{1}{3}$ қисми аутооимплантация қилинган, яхшироқ битиб кетиши ва васкулиризацияси учун ёғ клетчаларига туташтирилган. Аутооимплант 5,0 викрил иплари билан маҳкамланган. Гемостаз, тўш чеккалари титан иплар билан бирлаштирилган. Яра қаватма-қават тикилгандан сўнг 10% ли Йод-Бетадин эритмаси билан ишлов берилиб, кейин асептик бинт қўйилган. Тимуснинг қолган қисми гистологик тадқиқотлар учун нейтрал формалиннинг 10% ли эритмаси билан фиксация қилинган.

2-босқич - ҳайвонлар инсонпарварлик усули билан сўйилган ва аутооимплант (тимус) ўзгаришини иммуноморфологик баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилган: аутооимплантация пайтида тимусдаги патоморфологик ўзгаришлар, қондаги *T*-хужайраларининг умумий миқдори.


Тажрибанинг 9-ҳафтасида аутооимплант морфологик текширилганда тимуснинг парциал, хужайравий дисплазияси аниқланган. Шунингдек кенгайган периваскуляр бўшлиқларда тимуснинг плазмоцитлар гиперплазияси ва эритроцитлар тўпланиши билан тимус мия қисмининг камайиши ҳам аниқланган. Баъзи жойларда тимус паренхимасининг ёғ ва бириктирувчи тўқима билан алмашилиши аниқланган (1-расм; 2-расм; 3-расм; 4-расм).



1-2-расм. Аутоимплантанг-тимус
(40 мар. кат., гематоксилин-эозин усулда бўялган).



3-расм. Аутоимплантанг, тимус
(40 мар. кат., гематоксилин-эозин усулида бўялган).



4-расм. Аутоимплантанг, тимус
(40 мар. кат., Ван- Гизон усулида бўялган).

5,5 ойлик экспериментал куёнларда аутоимплантда инволюция жараёнини кузатиш унинг синхрон фаолиятини исботлайди.

Тана вазнини ўрганиш тажрибанинг 1-хафтасидан унинг камайишини кўрсатган. Кейин 4-хафтадан бошлаб 1-гурух куёнларининг тана вазни 2-гурух куёнларинг шунга мувофиқ кўрсаткичларига нисбатан ($1881,5 \pm 146,4$ г. ва $1661,7 \pm 121,1$ г) 1,1 мартага ($2053,1 \pm 143,3$ г.) ва 9-хафтада 1,61 мартага ($2668,3 \pm 117,0$ г) характерли ўсиши кузатилган. Тажрибанинг 9-хафтасида 1-гурух куёнларининг вазн кўрсаткичлари ($2668,3 \pm 117,0$ г) назоратга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган - $3372,0 \pm 99,9$ г ($p < 0,05$). 2-гурух куёнларининг тажрибанинг 9-хафтасида тана вазни назорат гуруҳидагиларга нисбатан ($3372,0 \pm 99,9$ г.) ($p < 0,01$) сезиларли 2,03 марта ортда қолиш аниқланган ($1661,7 \pm 121,1$ г.).

Жисмоний ўсишнинг тасдиғи сифатида, тажрибада куёнларнинг ҳафталик вазн ортиши ўлчанган. 1-гурух куёнларида тимэктомия ва ундан сўнг тимуснинг аутоимплантациясидан кейинги дастлабки 3 ҳафта давомида тана вазни ўсишининг ўртача $79,8 \pm 9,91$ г да ортда қолиши аниқланиб, 4-хафтадан бошлаб тана вазнининг $7,6 \pm 2,33$ г. дан $141,6 \pm 12,9$ г. гача ортиши кузатилган. Тажриба куёнларида шундай қонуният ҳаракат фаоллиги, жун қопламасининг қалинлиги ва озуқа истеъмолини баҳолашда ҳам аниқланган.

Экспериментдан олдин барча гуруҳлардаги тажриба куёнларида умумий қон таҳлили кўрсаткичлари (лейкоцитлар, эритроцитлар, гематокрит, гемоглобин, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) физиологик меъёр даражасида кузатилган.

Тимэктомиядан кейинги 1-хафта охирида куёнларда назорат гуруҳига нисбатан - $6,3 \pm 0,76 \times 10^9$ /л статистик жиҳатдан аҳамиятли лейкоцитоз $13,2 \pm 2,71 \times 10^9$ /л ($p < 0,05$), гемоглобин миқдорининг назорат гуруҳи - $78,8 \pm 4,01$ г/л ($p < 0,05$)га нисбатан $61,6 \pm 4,4$ г/л гача пасайиши ва ЭЧТнинг назорат гуруҳи - $3,2 \pm 0,32$ мм/соат ($p < 0,05$)га нисбатан $10,9 \pm 2,81$ мм/соат гача ошиши аниқланган.

1-хафта охирида тимус аутоимплантациядан сўнг 1-гуруҳ куёнларида статистик жиҳатдан аҳамиятли лейкоцитоз ($11,8 \pm 2,45 \times 10^9$ /л), гемоглобин миқдорининг камайиши ($64,0 \pm 4,77$ г/л) ва ЭЧТнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ($p < 0,05$) ишончли ўсиши аниқланган ($11,4 \pm 3,44$ мм/соат).

Динамикада, 7-хафтада 1-гуруҳ куёнларида тимус аутоимплантациясидан кейинги 1-хафта кўрсаткичларига нисбатан лейкоцитлар миқдорининг $6,5 \pm 0,56 \times 10^9$ г/л гача камайиши, гемоглобин миқдорининг $76,2 \pm 2,48$ г/л гача, эритроцитларнинг $5,0 \pm 0,55 \times 10^{12}$ /л гача ошиши ва ЭЧТнинг $6,7 \pm 1,82$ мм/соат гача нормаллашиши кузатилган.

